

“O‘ZVAGONTA’MIR” АЖ акциядорларининг Йиллик умумий йиғилиши баёни

Ўтказиш санаси: 2026 йил 26 июнь.

Ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Темур шоҳ кўчаси, 4-уйда жойлашган “O‘ZVAGONTA’MIR” АЖ Марказий аппарати биноси.

Ўтказиш вақти: соат 16:00 да.

“O‘ZVAGONTA’MIR” АЖ (кейинги ўринларда – жамият) бош директори в.в.б. Т.Р. Хамдамов Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини, кворум бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, сўзни санок комиссияси раиси К.Ш. Мамажановга берди.

Санок комиссияси раиси К.Ш. Мамажанов Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг акция эгалари реестрига асосан шакллантирилган рўйхати 2026 йил 22 июнь ҳолатига ёпилганлиги, рўйхатга 2 968 227 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 25 887 та акциядор киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Санок комиссиясининг маълумотиغا асосан йиғилишга 2 671 842 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 3 та акциядор келган (*шундан 2 та юридик шахс: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 1 513 795 дона овоз билан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги - 1 157 609 дона овоз ҳамда 2 та jismoniy шахс - 438 дона овоз*) ва бу жами жойлаштирилган акцияларнинг 90,01 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд бўлганлиги сабабли акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиш тўғрисида таклиф билдирилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	Ш.Т. Кадиров	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ваколатли вакили
2.	Ш.У. Софаров	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ваколатли вакили
3.	Т.Р. Хамдамов	Жамият бош директори в.в.б.
4.	Ш.Д. Исмаилов	Акциядор (438 дона овоз)
5.	К.Ш. Мамажанов	Жамият молия бўлими бошлиғи
6.	И.Р. Исоқов	Жамият бизнес ривожини стратегик режалаш бўлими бошлиғи
7.	Ж.Н. Синдаров	Тафтиш комиссияси аъзоси
8.	Н.У. Ходжаева	Ходимлар бўлими бошлиғи
9.	Ш.А. Абдулахатов	Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича бош мутахассис
10.	Б.Н. Назаров	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг раҳбари

Т.Р. Хамдамов қуйидаги йиғилиш раиси ва котибини сайлашни таклиф қилди:
 Ш.Т. Кадиров – йиғилиш раиси
 Ш.А. Абдулахатов - йиғилиш котиби
 Рўйхат бўйича овозга қўйилди.
 Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.
 Қаршилар – 0 овоз
 Бетарафлар – 0 овоз.
 Бир овоздан қабул қилинди.

Қарор қилинди: Ш.Т. Кадиров–йиғилиш раиси этиб ва Ш.А. Абдулахатов-йиғилиш котиби этиб сайлансин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият бош директорининг жамият 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режасининг бажарилиши ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Жамиятнинг 2025 йил яқунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Жамиятнинг 2025 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик тегишируви яқунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2025 йил яқунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг 2026 йил яқунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисида.
9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ёки уларнинг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида.
10. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида.
11. Акциядорлик жамиятининг 2025 йил яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
12. Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш тўғрисида.
13. Жамият ижро органи фаолиятининг 2025 йилдаги асосий фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишини тасдиқлаш тўғрисида.
14. Молиявий-хўжалик фаолиятининг 2025 йил яқунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
15. Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида.
16. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича:

1. Кун тартибидаги санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан Ш.А. Абдулахатов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни санок комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Мамажанов Камронбек Шухратович;
2. Исоқов Исмоилжон Равшанжон ўғли;
3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

Шунингдек, сўзга чиқувчи акциядорларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилгандан кейин санок комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон қилиш учун 10 дақиқа вақт беришни таклиф қилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан Ш.А. Абдулахатов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

Ш.Т. Кадиров кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

3. Жамият бош директорининг жамият 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес режасининг бажарилиши ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида учинчи масала юзасидан жамият бош директори в.в.б. Т.Р. Хамдамов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2025 йил бизнес-режасида кўзланган асосий ҳажм, молиявий кўрсаткичлар ва техник дастурларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томондан тасдиқланган режага мувофиқ ҳолда иш олиб борилганлигини ҳамда узлуксиз ўсиш суръатлари барқарорлигига эришилганлигини маълум қилди. *(ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади).*

Ҳисоботни маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш, таклиф қилинди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

4. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан Жамият молиявий бўлими бошлиғи К.Ш. Мамажанов сўзга чиқди.

2025 йил якунига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 32 595 143 минг сўмни, эскириш суммаси 22 158 253 минг сўмни ташкил этганини маълум қилди. Жами жорий активлар 29 209 356 минг сўмни, шундан товар-моддий захиралари 15 889 879 минг сўмни, дебитор қарздорлик 11 949 463 минг сўмни ташкил этишини таъкидлади. Йил якунига жамиятнинг жами пул маблағлари 1 370 014 минг сўмни ташкил этди. Ўз маблағлари манбалари йил бошидаги кўрсаткичдан 2 060 627 минг сўмга камайиб, 6 013 212 минг сўмни ташкил этди. Ҳисобот йили якунига жамиятнинг кредиторлик қарздорлиги 37 910 308 минг сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатишдан тушган соф тушум 106 300 582 минг сўмни, ишлаб чиқариш таннархи 86 784 433 минг сўмни, шунингдек давр харажатлари жами 17 667 380 минг сўмни, шу жумладан жами харажатларнинг 51,7 фоиз ёки 9 141 915 минг сўмни маъмурий харажатлар ташкил этди. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 2 601 403,91 минг сўмни,

соф фойда эса 1 604 155,03 минг сўмни ташкил этди. *(Йил якуни бўйича молиявий фаолият ҳисоботи ва бухгалтерлик баланси тақдим қилинади).*

Жамият молиявий ишлари бўйича директорининг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш таклиф қилинди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

5. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2025 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги бешинчи масала юзасидан “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг раҳбари Б.Н. Назаров сўзга чиқиб, “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви хулосасини йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Хулосада 2025 йил 31 декабрь ҳолатига жамиятнинг молиявий ҳисоботи жамият молиявий ҳолатини, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини, барча муҳим жиҳатларини, ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши акс эттирилганлигини маълум қилди. *(Аудитор хулосаси илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

6. Кун тартибидаги Жамият Тафтиш комиссиясининг 2025 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги олтинчи масала юзасидан Ж.Н. Синдаров сўзга чиқиб, Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди *(хулоса илова қилинади).*

Акциядорлик жамиятининг 2025 йилдаги фаолияти натижаларига кўра молиявий – иктисодий кўрсаткичларида қуйидагилар аниқланди. Унга кўра, жамият тўловга лаёқатли, ўзининг айланма активлари билан таъминланган, рентабелликка эга, молиявий хавфга эга эмас ва асосий воситалар сезиларли даражада эскириши билан тавсифланади.

Жамият молиявий ҳисоботларининг тафтиш комиссияси томонидан текширувлари натижаларига кўра, 2025 йил бухгалтерия ҳисоботи жамиятнинг 2025 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини аниқ акс эттириши аниқланди. *(хулоса илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

7. Кун тартибидаги Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги еттинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Каидров сўзга чиқди.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2025 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ҳар чоракда акциядорлик жамияти бош директорининг Жамият бизнес режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, Ижро этувчи органга кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, соф фойда, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди;

- 2025 йил 1 декабрга қадар жамиятнинг 2026 йилги бизнес режаси тасдиқланди;

- 2026 йил учун жамият Кузатув кенгашининг иш режаси тасдиқланди. *(ҳисобот илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

8. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2026 йил якунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги саккизинчи масала юзасидан Жамият бош ҳисобчиси К.Ш. Мамажанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли Фармонида биноан барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилиши ва уларни

Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказиши белгиланган. Фармон талабини бажариш учун жамият ҳисобчиларини 2026 йил давомида Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО) бўйича бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ўқитиш, Халқаро аудит стандартларига (МСА) кўра 2026 йил учун ташки аудитни ўтказиш ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (МСФО) мувофиқ 2026 йил молиявий ҳисоботларини эълон қилиши лозимлигини билдирди.

Жамиятнинг 2026 йил фаолиятни ташки аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан лицензияланган 3 та аудиторлик ташкилотидан қуйидаги тижорат таклифлари келиб тушган:

1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Госпиталь бозори кўчаси, 11/2 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 11 апрелда 00811-сонли лицензия берилган «NAZORAT-AUDIT» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун умумий **60,0** млн сўм;

2. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Госпиталь бозори кўчаси, 11/2 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 11 апрелда 00809-сонли лицензия берилган «XB FINANCE KONSULTING» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун умумий **65,0** млн сўм;

3. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 29 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 5 апрелда 00766-сонли лицензия берилган «SAMIMIY AUDIT» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун умумий **70,0** млн сўм.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарорни қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати қиради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жамият ташки аудитини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш биржа савдолари орқали амалга оширилиши керак.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

9. Кун тартибдаги Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ёки уларнинг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисидаги тўққизинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Кадиров сўзга чиқиб, маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасида жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Акциядор “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2026 йил 19 февралдаги 01/733-26-сонли Жамият кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар такдим этиш тўғрисидаги хати ўқиб эшиттирилди.

Кенгаш аъзолари маслаҳатлашиб, юқоридаги Қонунга кўра, акциядор “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Жамият кузатув кенгашига қуйидаги номзодларни 3 йил муддатга сайлашни таклиф этди:

- Кадиров Шарафиддин Тахирович;
- Нарзуллоев Қодир Қиличович;
- Мавлянов Шерзод Рустамович;
- Абдуллаев Баҳром Шарофхўжаевич;
- Абдуҳақимова Нозима Ровшановна.

2023 йил 23 ноябрда ҳамда 2025 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида 3 йил муддатга сайланган қуйидаги номзодларнинг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклифи билдирилди.

Кузатув кенгаши аъзолигига	
Ш.И.О.	Лавозими
Тугизбаев Аъзам Абдураимович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси
Курокбоев Толмас Ибодуллаевич	Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
Сангилова Азиза Бахтияровна	Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси
Шавкатова Комила Шаисламовна	Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддасига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин ва бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланган. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссия аъзолари томонидан жамият фаолиятига бўлган эътиборини ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида йиллик умумий йиғилиши кун тартибига жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши учун 2025 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2026 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият Кузатув кенгаши раисига 12 та меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭМ), Кузатув кенгаши аъзоларига 10 та МҲТЭМ баробари миқдорида тўловларни амалга оширишга, шунингдек жамият Кузатув кенгаши раисига 8 000 минг сўм миқдорда ҳамда кузатув кенгаши аъзоларига 5 000 минг сўм миқдорларида бир марталик тўловни амалга ошириш таклифлари киритилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

10. Кун тартибидagi Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисидаги ўнинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т.Кадиров сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссия аъзолари таркибини ўзгартириш бўйича акциядорлардан таклиф келмаганлиги инобатга олиб, қуйидаги номзодларнинг

ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар сайлаш тўғрисида таклиф киритди:

Тафтиш комиссияси		
т/р	Ш.И.О.	Лавозими
1.	Ходжабеков Ровшан Рахматович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ёрдамчиси
2.	Холбоев Элёр Жолғош ўғли	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Корпоратив муносабатлар департаменти бўлим бошлиғи
3.	Синдаров Жамшид Нуриддинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси

Жамият тафтиш комиссия аъзолари томонидан жамият фаолиятига бўлган эътиборини ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни копланиши учун 2025 йил якуни бўйича жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2026 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият тафтиш комиссияси раисига 7 та МХТЭМ ва тафтиш комиссияси аъзоларига 6 та МХТЭМ баробари миқдорида, шунингдек 2025 йил якуни бўйича тафтиш комиссия раиси ва аъзоларига 3 000 минг сўм миқдорда бир марталик тўловни амалга ошириш таклифи киритилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

11. Кун тартибидаги акциядорлик жамиятининг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси К.Ш. Мамажанов сўзга чиқиб, 2025 йил якунлари ҳисоботи миллий стандартлар бўйича тузилган ҳисоботга кўра соф фойда жамиятнинг режадаги 1 млрд 574 млн сўм ўрнига 1 млрд 604 млн сўм миқдорда ташкил этди.

Шундан сўнг, соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

Т/р	Соф фойдани тақсимлаш бўйича тадбирлар	2025 йил учун тақсимлаш	
		%	Сумма
1	Дивиденд тўловлари учун	52	834 160 615,6 сўм
	акциялар сони		(2 968 227 дона)
	1 дона акция учун дивиденд		(281,03 сўм/акция)
2	Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун	43	689 786 662,9 сўм
3	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига	5	80 207 751,5 сўм
	Жами	100	1 604 155 030,0 сўм

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

12. Кун тартибидаги яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига узайтириш тўғрисидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Кадиров сўзга чиқиб, жамият ва жамият бош директори Атаджанов Шамурат Хангелдиевич билан тузилган меҳнат шартномасини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 79-моддасида жамият

директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Юқоридаги Қонунчиликка асосан, жамият бош директори Шамурат Хангелдиевич Атаджанов билан 2025 йил 25 июнда жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклиф қилди.

Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

13. Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича Жамият бош директори Ш.Х.Атаджанов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775–сонли Қарори (ижросини таъминлаш) талабларини бажариш мақсадида, Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткич ҳисоб – китоблари қуйидаги талқинда амалга оширилди:

- сотишдан тушган соф тушум режаси 116,5 фоиз;
- соф фойда режаси бажарилиши 101,9 фоиз;
- маҳсулот таннархини тушириш режаси 207,5 фоизга;
- экспорт кўрсаткичининг бажарилиши 101 фоизга бажарилди.

2025 йил якуни мобайнида Жамият ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосий кўрсаткичлари 100,4 фоизга ҳамда қўшимча кўрсаткичлари 123 фоизга бажарилган. *(2025 йил якуни асосий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоботи 3-илова ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тақдим қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича Молиявий–хўжалик фаолиятининг 2025 йил якунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан Ғ.П. Турсунов сўзга чиқди.

Жамият 2025 йилдаги фаолияти натижаларига кўра корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш учун “SILK Capital” МЧЖ билан шартнома тузилган. “SILK Capital” МЧЖ томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича берилган хулосага мувофиқ, жамият фаолиятининг самарадорлиги 681 баллга тенг ва “юқори” деб топилди. Бу кўрсаткич фоиз шкаласида 57 фоизни ташкил этди. *Ҳисобот илова қилинади.*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича жамият бош директори в.в.б. Т.Р. Хамдамов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгаши аъзоларини акциядорларнинг кейинги навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришдаги зарурият, фаолиятни сифатли ва самарали олиб бориш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий тузилмасига кирувчи аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномалар рўйхати билан таништирди. *(Рўйхат Кузатув кенгаши мажлисининг 2 - сонли баённомасида қўрилган 5 -илова тақдим қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича жамиятнинг бизнес ривожини стратегик режалаш бўлими бошлиғи И.Р. Исоқов сўзга чиқиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раисининг 2025 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2026 йилда барқарор молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 626-Н-сонли буйруғига асосан Жамиятнинг Сифат бўйича директор ҳамда Ахборот технологиялари мутахассиси лавозимлари мақбуллаштирилганлигини маълум қилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибидаги санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Мамажанов Камронбек Шухратович;

2. Исоқов Исмоилжон Равшанжон ўғли;

3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлансин:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш таклифи тасдиқлансин.

3. Кун тартибидаги Жамият бош директорининг жамият 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режасининг бажарилиши ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: *Жамият бош директорининг 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режасининг бажарилиши ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.*

4. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2025 йил яқунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: *Жамиятнинг 2025 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи, жамиятнинг фойда ва зарари маълумот учун қабул қилинсин ҳамда бухгалтерия баланси тасдиқлансин.*

5. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2025 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви яқунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги бешинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: *Жамиятнинг 2025 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташилотининг хулосаси тасдиқлансин.*

6. Кун тартибидаги Жамият Тафтиш комиссиясининг 2025 йил яқунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги олтинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: *Жамиятнинг 2025 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.*

7. Кун тартибидаги Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги еттинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: *Кузатув кенгашининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.*

8. Кун тартибидаги Жамиятнинг 2026 йил яқунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги саккизинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди:

- Жамиятнинг 2026 йил учун молиявий ҳисоботлари Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва уни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудитдан ўтказилсин;

- Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар учун умумий 60,0 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда нарх белгилансин;

- аудиторлик ташиқлототи билан шартномани Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан белгиланган тартибда амалга оширилсин.

9. Кун тартибидаги Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ёки уларнинг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисидаги тўққизинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди:

1. Жамият кузатув кенгашига қуйидагича кетма кетликда ўринларига тақдим қилинган номзодлар 3 йил муддатга сайлансин:

Кадиров Шарафиддин Тахирович, Нарзуллоев Қодир Қиличевич, Мавлянов Шерзод Рустамович, Абдуллаев Бахром Шарофхўжаевич, Абдухакимова Нозима Ровшановна.

2. 2023 йил 23 ноябрда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташиқари умумий йиғилишида 3 йил муддатга сайланган Тугизбаев Аъзам Абдураимович, Курокбоев Толмас Ибодуллаевич, Сангилова Азиза Бахтияровна, Шавкатова Комила Шаисламовна ваколатлари акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин.

3. 2025 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2026 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият Кузатув кенгаши раисига 10 та (МХТЭМ), Кузатув кенгаши аъзоларига 8 та МХТЭМ баробари миқдорида шунингдек, 2025 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши раисига 8 000 минг сўм ва аъзоларига 5 000 минг сўм миқдорларида бир марталик тўлов амалга оширилсин.

10. Кун тартибидаги Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисидаги ўнинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколатларининг қуйидаги таркиби жамиятнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин ва 2025 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2026 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият тафтиш комиссияси раисига 5 та МХТЭМ ва тафтиш комиссияси аъзоларига 4 та МХТЭМ

баробари микдорида, шунингдек 2025 йил якуни бўйича тафтиш комиссия раиси ва аъзоларига 3 000 минг сўм микдорда бир марталик тўлов амалга оширилсин:

1. Холбоев Элёр Жолғош ўғли;
2. Ходжабеков Ровшан Рахматович;
3. Синдаров Жамшид Нуриддинович.

11. Кун тартибдаги акциядорлик жамиятининг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдаси тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: 2025 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 1 604 155 030 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

Т/р	Соф фойдани тақсимлаш бўйича тадбирлар	2025 йил учун тақсимлаш	
		%	Сумма
1.	Дивиденд тўловлари учун	52,0	834 159 575,60 сўм
	акциялар сони		(2 968 227 дона)
	1 дона акция учун дивиденд		(281,03 сўм/акция)
2.	Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун	43,0	689 785 802,9 сўм
3.	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига	5,0	80 207 651,5 сўм
	Жами	100,0	1 604 153 030,0 сўм

12. Кун тартибдаги яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш қарорни тасдиқлаш тўғрисидаги ўн иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият бош директори Шамурат Хангелдиевич Атаджанов билан 2025 йил 25 июнда жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тузилган меҳнат шартномаси акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин.

13. Кун тартибдаги Жамият ижро органи фаолиятининг 2025 йилдаги асосий фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишини тасдиқлаш тўғрисида ўн учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: 2025 йил якуни мобайнида Жамият ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари муҳим кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

14. Молиявий-хўжалик фаолиятининг 2025 йил якунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн тўртинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: жамиятда корпоратив бошқарув тизимини 2025 йил якунлари бўйича баҳолаш натижалари ҳисоботи тасдиқлансин.

15. Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида ўн бешинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида ўн олтинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 671 842 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси маъқуллансин ва иловага мувофиқ тасдиқлансин

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т. Кадиров

Йиғилиш котиби



Ш.А. Абдулахатов

Баённома имзоланган сана: 2026 йил “01” “07”